

REZYUME

Ushbu maqola uzluksiz ta'lim tizimida maktabgacha va boshlang'ich ta'lim uzluksizligini psixologik qo'llab-quvvatlash muammasiga bag'ishlangan. Ta'lim texnologiyalari, psixologik-pedagogik faoliyatning mazmuni va usullari bo'yicha izchillikka erishish zarurligi masalasi. Maktabgacha ta'limning metodik yo'nalishlarining alohida ahamiyati, ular nafaqat uzluksizlikni amalga oshirish tamoyillarini hisobga oladi, balki shaxsni maktabgacha ta'lim bosqichida uzluksizligini ta'minlashning tegishli jihatlarini yanada rivojlantirishni ta'minlaydi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается проблема психологического обеспечения преемственности дошкольного и начального образования в непрерывной системе образования. Говорится о необходимости достижения согласованности в содержании и методах образовательных технологий, психологической и педагогической деятельности. Важность методологии дошкольного образования заключается в том, что в них учитываются не только принципы преемственности, но и разработка соответствующих аспектов обеспечения преемственности в дошкольном образовании.

SUMMARY

The article discusses the problem of psychological support for the continuity of preschool and primary education in the continuous education system. The author states about the need to achieve consistency in the content and methods of educational technologies, psychological and educational activities. The importance of the methodology of preschool education lies in the fact that they take into account not only the principles of continuity, but also the development of relevant aspects of ensuring continuity in preschool education.

ТАЛАБАЛАР КИЗИҚИШЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

С.Т.Юлдашева – педагогика фанлари номзоди

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Таянч сўзлар: дунёкараш, бадий кадрят, умуминсоний кадрят, маънавий эҳтиёж, темперамент.

Ключевые слова: мировоззрение, художественная ценность, универсальная ценность, духовная потребность, темперамент.

Key words: worldview, artistic value, universal value, spiritual need, temperament.

Муаммони ҳал этиш мақсадида педагогик жараёнда психологик жиҳатларни кўриб чиқиш шундан далолат берадики, психологик талқин қилиш талабаларнинг психологик характеристикаси – ушбу тадқиқотда муҳим ҳисобланган ёши, шу жумладан индивидуал-типологик хусусиятларини ажратиб кўрсатиш муҳимдир.

Замонавий психология фанида шахсни талқин қилиш қуйидагилардан иборат: «Индивиднинг тизимли сифатлари шаклланидиган, шахсни ўзгариши ва ташкил топиши содир бўладиган ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият жараёни субъекти».

Тадқиқот доирасидаги таҳлиллар натижасида шахснинг фаоллиги – аҳамияти, иш бажаришга қобилияти, маънавий соҳада, ижодиётда, муносабатларда экани аниқланди.

Унинг интеграл характеристикаси: фаол ҳаётий позицияси нуқтаи назари, принципааллиги, изчиллиги (қарашлари, сўзи, иши). Фаол шахс деганда аниқ мақсадли, мотивацияли, мақсадга йўналган қизиқишлари, ишончи, эҳтиёжлари ва шу қабилар асосидаги онги, ҳулки, муносабати мажмуаси тушунилади.

Олим Ш.Э. Қурбонов фикрича, «шахс – субъектнинг индивидуаллигини кўрсатувчи, унинг сифатлари ва мотивлари, интилишлари, қизиқишлари, кўрсатмалари, эҳтиёжи, диди, идеали, характери, темпераменти, қобилиятлари ва шу қабиларнинг – уларнинг ижтимоий алоқаларда иштироки ҳисобланади»[2:51].

Талабаларнинг бадий кадрятларга қизиқишларини эстетик эҳтиёж даражасига фаоллаштириш учун талабалар шахсида қуйидаги сифатлар ва хусусиятларни ажратиш мумкин: қизиқишлари, маънавий эҳтиёжлари, билимга чанқоқлиги, интеллектуаллик даражаси, ижтимоий, ҳаётий ва бошқа вазиятлардаги масалаларни ҳал этишга қобилияти, ўзининг истикболларини «кўра билиши», шаклланган дунёкараши, ижтимоий етуқлиги ва фаоллиги, кадрятли – йўналганлик фаолияти, мезонлар, меъёрлар ва баҳолар тизимига интилиши, ўзига баҳо беришга қодирлиги.

Талабаларда бадий ҳодисаларга қизиқишни фаоллаштириш, уларнинг эстетик эҳтиёжини шакллантириш, индивидуал-типологик хусусиятларини ўрганиш орқали амалга оширилади.

Маълумки, мотив талабалар шахсини йўналганлигига сабаб бўлади. Талабаларни бадий кадрятларга қизиқишини, кейинчалик эстетик

эҳтиёжга йўналтирувчи ва фаоллаштирувчи мотив кўзда тутилади.

Мотив – эҳтиёжни қониқтириш учун ҳаракатга сабаб бўлувчи англаб етилган рағбатдир.

Мотив – истак, тилак сифатида, эҳтиёжга айланувчи, англаб етилган қизиқиш. Ташқи омилар – уқтириш, ишонтириш, кўзгатиш, маънавий-психологик кўрсатмалари – эмоционал-ижобий кўринишдаги, келажакда эҳтиёж билан боғлиқ фаолияти кўрсатмалари асосида юзага келади. Мотив шахснинг ривожланиши истикболи билан боғлиқ талабаларнинг истаклари, қизиқишлари ва эҳтиёжларига таянишни талаб этади.

Мотивация – организмнинг фаоллигини келтириб чиқарувчи ва унинг йўналганлигини белгиловчи кўзгатишдир.

Мотивация – шахснинг ривожланиши рағбати. Унинг янада ривожланиш омили. Ўзини ривожлантириш ички кўзгатувчиси. Шахснинг кўплаб муҳим сифатлари кўрсаткичи.

Юқорида таъкидланганидек, мотив ва мотивация ҳақида тадқиқот учун муҳим бўлган қуйидаги қоидаларни кўрсатиш мумкин:

мотив ташқи талаблар ва шахсий истаклар, тақлифлар, қизиқишлар ва эҳтиёжлар таъсири остида юзага келади;

мотивлар мотивация томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож бўлади;

мотивация талаба шахси тузилишига киради, ривожланиш ва бойитиш узоқ йўлини босиб ўтади;

ташқи талаблар актуал эҳтиёжга таянса (ҳамда янгиларни келтириб чиқарувчиларга) ижобий мотивациянинг шаклланиши тезроқ содир бўлади;

талабалар шахси қизиқишлари ва эҳтиёжлари, асосий интилишлари ва афзалликлари бирлиги уларнинг бадий дунёдаги идрок этиш фаолиятларини ифода этади;

бадий кадрятларда мустаҳкам идрок этиш йўналиши юсак эмоциясига хосдир. Эҳтиёжларнинг қондирилиши эмоционал-ижобий кайфиятга хослиги билан белгиланади. Мотивация жараёнида талабалар фаоллик ҳолатига келадиган, фаоллик манбаи сифатида эҳтиёжли қизиқиши намоён бўлади, ҳамма ҳаракатлари, ҳулки, қизиқиши, эҳтиёжини фаол қониқтиришга йўналтирилади. Эмоциялари, ҳаяжонлари (интилиши, истаклари ва бошқалар) бу жараёнда муҳим роль ўйнайди; улар (эмоциялар) ҳулкини гўёки бошқаради ва шу билан бирга аввал

қизиқшини, кейин эса эҳтиёжини ифода этиш субъектив шакли ҳисобланади.

Шундай қилиб, уларни кондирит бўйича эмоциялар, фаолият, қизиқшилар, қатор эҳтиёжларнинг барқарорлигига сабаб бўлувчи мустақам сезгиларга (истак, интилиш, қизиқши қабиларга) эришиш муҳимдир.

Шу билан бир қаторда, шахсдаги ўзгаришлар учун умумий эмоционал шароит яратиб, уни истикболли “қўра билиш” туйғуси билан қўзғатиб, талабаларнинг ижобий кайфиятини эътиборга олиш муҳимдир [1:6]. Бунда куйидагиларни инобатга олиш зарур: бўлажак фаолиятга эмоционал – ижобий муносабатни аниқлаб олишга ёрдам бериш – ижобий баҳолаш (бўлажак қувончи, юксалиш ҳолати, эмоционал таъсирланиш, қутиладиган қониққанликни, эмоционал ҳаяжонланиш ва тассуротини фаоллаштириш билан; санъат асарлари билан танишиш натижасида эмоционал маданиятини истикболли бойитиб, уларни идрок этишда юзага келадиган хурсандчилиқни, тасвирий санъат дурдоналари ҳақида мулоҳаза юритиш, фикр билдириш, муҳокама қилишда талаба билан юзага келадиган таъсирланиши); бўлажак фаолиятнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини талабаларга уқтириш (умумий, эстетик, бадий маданиятнинг қадриятли йўналишларининг эстетик бой, дунёқарашини улар учун муҳимлигини).

Талабаларнинг бадий қадриятларга қизиқшиларини фаоллаштириш – ёшларнинг шахсини шакллантириш ва ривожлантиришда марказий вазибалардан бири ҳисобланади. Талаба ёшларнинг бадий қизиқшилари турли-туман бўлиши, эстетик бой дунёқарашлари шаклланишига асос бўлувчи уларнинг доимий-барқарор эстетик эҳтиёжлари сифатида белгиланади. Мана шу асосда жаҳон ва миллий бадий қадриятларнинг аҳамияти ўта солмоқлидир. Ички тайёрлик асосида – эмоционал даражада ушбу қизиқшини шакллантириш талабаларга кенг доирадаги идрок этиш-бадий қизиқшиларини тақдим этиш; эстетик бой дунёқараш истикболлини очиб бериш (жаҳон ва миллий буюк бадий қадриятлари материалларида эстетик эҳтиёжларини қониқтириш жараёнида шакллантирувчи) талабаларга ўзларининг маънавий-эстетик қиёфаларини қўра билиш имкониятларини беради[3:332].

Тасвирий санъатда бадий қадриятларга талабаларнинг фаол қизиқшилари мезонларни ишлаб чиқиш зарурлигини инобатга олиб, тасвирий санъат бадий қадриятларига талабалар қизиқшиларини шакллантириш куйидаги тартибда эканлиги аниқланди:

1. Бадий қадриятлар ҳақидаги, хусусан тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурлари (мавжуд: 1) етарлича асосли, 2) унчалик аниқ эмас; 3) тасаввурлари яққол эмас, 4) тасаввурлари йўқ)

II. Тасвирий санъатга идрок этиш қизиқши (бор: 1) фаол, 2) етарлича фаол эмас; 3) баъзан пайдо бўлувчи).

Адабиётлар

1. Маҳмудов М. Комил инсон шахси ва ижтимоий тажриба. // Педагогик маҳорат. 2002, 4-сон, 6-6.
2. Курбанов Ш.Э. Социально-педагогические особенности Национальной модели и Программы по подготовке кадров: Автореф. дисс. ... докт.пед.наук. – Т.: 2000. –С. 51.
3. Ибрагимов Х.И., Зарипов Т.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. Т.: 2005, Ўзбекистон фанлар академияси «Фан» нашриёти, 332-б.

Ушбу мақолада талабаларнинг қизиқшиларини фаоллаштириш жараёнининг психологик жиҳатлари ҳақида сўз боради. Талабаларнинг ҳаётда, муносабатларда, ўзини такомиллаштиришда эстетик билимлари ва таассуротларидан фойдаланиш бўйича кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются психологические аспекты процесса активизации студенческого интереса. Проанализированы данные о показателях использования студентами своих эстетических знаний и впечатлений в жизни, отношениях, самосовершенствовании.

SUMMARY

The article discusses the psychological aspects of the process of activating student's interest. Data on indicators of students' use of their aesthetic knowledge and impressions in life, relationships, self-improvement were analyzed.

III. Тасвирий санъатга – билимларни аниқ – идрок этиш қизиқши:

1. Тарихий.
2. Назарий.
3. Рассомлар ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқши даражаси

4. Санъат асарлари ҳақида а) рассомлик, б) графика, в) ҳайкалтарошлиқ, г) архитектура;

5. Тасвирий ижодкорлик асарларини идрок этиш – таҳлил қилиш бўйича; рассомлар асарларини бадий-эстетик таҳлил қилиш, улардаги ғоявий мазмун моҳиятини аниқлаш;

6. Бадий билимлар доирасини кенгайтириш орқали умумий маданият даражасини ўстириш.

IV. Тасвирий санъатга қизиқши қандай?

1. Мақсадга йўналтирилган ва идрок этиш фаолиятга йўналтирилган

2. Фаол ва барқарор.

3. Кенг ва чуқур

4. Доимий ва давомли

V. Тасвирий санъатга қизиқши – эҳтиёжга айланувчи лаёқат сифатида.

Демак, талабаларнинг дастлабки даражасига асосан эстетик эҳтиёжлари куйидагиларда намоён бўлди:

– Эстетик эҳтиёж ҳақида тасаввурлари бўш, лекин бундай талабнинг намоён бўлиши бор (лекин етарлича аниқлаб етилган эмас);

Идрок этиш ва ҳатто мустақил билим олиш фаолиятга интилиш, ушбу эҳтиёжни кондирит истаги (ҳозирги пайтда бу асосан мақсадга йўналмаган ҳолда ва вақт-вақти билан содир бўлмоқда);

-Талабаларнинг ҳаётда, муносабатларда, ўзини такомиллаштиришда эстетик билимлари ва таассуротларидан фойдаланиш бўйича кўрсаткичлар ҳам паст.

Талабаларнинг эстетик эҳтиёжларини ўрганиб чиқиб, ушбу эҳтиёж намоён этилса ҳам, аниқлаб етилган мотивацион асосга эга эмаслигини, барқарор қизиқшида қурилмаслигини кўрсатди; талабалар бадий қадриятлар дунёсида билимларини тўла кондиритга тайёр эмаслар; ушбу эҳтиёжнинг шахсий аҳамиятлилигига ишонч ҳосил қилмаганлар; санъат дунёсига идрок этиш қизиқшилари кўриниб турибди, лекин етарлича фаол эмас; ҳар томонлама идрок этиш фаолияти ёрдамида уни қониқтиришга ишончли интилиш йўқ; талабалар эстетик эҳтиёжининг, ўз шахси, ўз онгини, дунёқарашини, ижтимоий ҳаёти учун уни кондиритлиши аҳамиятини аниқ тасаввур этмайдилар. Улар керакли мотивацияга, эстетик эҳтиёжни шакллантириш жараёнини педагогик ташкил этишга, раҳбарлик қилиш ва назорат қилинишига муҳтожлар, бу ишни “Эстетика асослари” курсини ўрганишда жаҳон ва миллий бадий қадриятларни янада чуқурроқ ўрганишда аудиториядан ташқари ишлар жараёнида илмий педагогик асосларда амалга ошириш мумкин бўлади.